

*Каримов Фарход Экринович.
ТошДШИ “Хитой сиёсати,
тарихи ва ХМдаги ўрни”
кафедраси ўқитувчиси.
Тел.: +99890 325 01-17.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАЛАРИ ҲАМДА ЭТНИК МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

Аннотация:

В данной статье изучается роль и значение этнических и национальных вопросов в Узбекистане и вокруг Центрально Азиатского региона. Анализируется актуальность этнических проблем вокруг Центрально Азиатского региона также, изучается этнополитическое состояние в Республике Узбекистан. Вместе с этим, вопросы межнационального согласия и гражданского мира установленном Узбекистане в год независимости предоставляется в качестве положительного примера для остальных стран мирового сообщества.

Ключевые слова: этнополитические соотношения, межнациональный конфликт и межнациональное согласие, этно-религиозная стабильность

Annotation:

In this article ethnic and national conflicts occurring in different corners of the world are described. In process of increase of their influence on the world as a whole there was a need for their studying. Along with it the taken measures for a preservation of peace and tranquility among the nations in Uzbekistan, their legal and social norms are discussed in the article.

Key words: ethno political relations, ethnic divisions and ethnic consent, ethnic and religious tolerance.

Аннотация:

Мазкур мақолада бугунги кунда жаҳоннинг турли минтақаларида рўй бераётган этник ва миллий можаролар, уларнинг минтақавий барқарорликка таъсири ортиб бориши билан уларни ўрганишнинг аҳамияти ошиб бораётганлиги кўриб чиқилади. Шу билан бирга Ўзбекистонда мустақиллик йилларида миллатлараро тотувлик ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатлари ҳамда аҳамияти кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: этносиёсий муносабатлар, миллатлараро зиддиятлар ва миллатларо тотувлик, этник ва диний бағрикенглик.

Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудудларида содир бўлаётган этник ва диний қарама-қаршилик ва зиддиятлар, улар асосида юзага келаётган қуролли тўқнашув ва ҳарбий ҳаракатлар, халқаро терроризм ва диний экстремизмнинг кучайиши, айрим давлатлардаги радикализм ва сепаратизмнинг кескин тус олиши миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликка жиддий хавф солмоқда. Устига-устак ушбу хавф-хатар ва таҳдидлар глобаллашув шаротида дунёнинг бир минтақасидан бошқа бир минтақасига жуда тез тарқалмоқда ва хавфсизликни таъминлаш масаласини долзарб вазифалардан бирига айлантирмоқда.

Мазкур шароитда минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг мазмун-моҳиятини, унинг миллий хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини англашга бўлган эътиборнинг кучайиши билан бирга, соҳага оид замонавий ёндашувлар ва янги концепцияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Дунёдаги вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, геосиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй берган ҳодисалар, турли минтақаларда юзага келаётган ноанъанавий хавф-хатар ва таҳдидлар халқаро ва минтақавий воқеликка нисбатан ўз вақтида муносиб жавоб қайтаришни талаб этиб, ҳар бир давлатдан ўз ташқи сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни, ўз миллий манфаатларини минтақавий ва халқаро даражада қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

“Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршиликлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган қурашнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди, албатта. Кўпчилик давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ҳам айтилган шундай таҳликали вазиятнинг олдини олиш, остонамизга қўймаслик, юртимизда бугун ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, шу билан бирга, юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатарли бурилишларга тайёр бўлиш мақсадида ўзимизнинг қатъий позициямиз ва сиёсатимизни аниқ белгилаб олганмиз”, деб таъкидлаганди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ миллий манфаат ва мақсадларимизни ўзида тўлиқ акс эттирган мамлакат ташқи сиёсатининг асосий тамойил ва устувор йўналишлари ишлаб чиқилди ва ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Бу, энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўлиқ мос равишда, давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик, чегараларнинг дахлсизлигини тан олиш, низоларни

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 273-247 бетлар.

тинч йўл билан, сиёсий музокалар орқали ҳал этиш, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик каби тамойилларда ўз аксини топди.

Хавфсизлик, барқарорлик ва тинчликни таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, конституцион тузум асосларини мустаҳкамлаш, миллатлар аҳиллиги ва халқлар дўстлигини таъминлаш, фуқаролар эркинликлари ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мамлакатимиз ташқи сиёсатнинг асосий мақсадлари этиб белгиланди.

Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, унинг барқарор тараққиётига хавф солаётган минтақавий можаролар, этник низолар, халқаро терроризм, диний ва сиёсий экстремизм, наркобизнес каби турли таҳдидларга қарши қатъий кураш олиб бориш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида илгари сурган “минтақавий хавфсизликдан - глобал хавфсизлик сари” концептуал ғояси минтақалардаги этник-диний можаролар, сиёсий беқарорликларни бартараф этишга қаратилиб, ушбу ҳудудларда хавфсизликни таъмишланиши охир-оқибат халқаро хавфсизликка асос бўлиши, бу соҳада халқаро ҳамжамият билан яқиндан ҳамкорлик олиб бориш эса минтақавий хавфсизликнинг мустаҳкам кафолати эканлиги уқтирилади. Унда жумладан, хавфсизликни ҳадсиз-ҳудудсиз ва узлуксиз ҳолат экани, бунда этник, диний, минтақавий, маҳаллий можаролар, давлатлар ичидаги жангари сепаратизм каби таҳдидлар ялпи хавфсизликка жиддий хавф солаётгани кўрсатиб ўтилиб, минтақавий низо ва зиддиятлар аксарият ҳолларда халқаро терроризм, экстремизм, наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси ҳамда инсон ҳуқуқларини оммавий суратда поймол этиш каби хавфли таҳдидлар билан ўзаро қўшилиб, давлат чегаралари ташқаридан чиқиб кетаётгани алоҳида қайд этилади.

Шубҳасиз, бугунги даврда миллатлараро муносабатлар ижтимоий барқарорлик ва тараққиётга жиддий таъсир ўтказиши билан бирга, глобал, минтақавий ва ҳудудий геосиёсатда этник омилнинг роли ва аҳамиятини ортишига олиб келди. Бу баъзи бир минтақаларда этник омилнинг миллий ўзликни англаш, ижтимоий тенгликни талаб қилиш ва бошқа миллат томонидан камситилишига барҳам бериш каби масалаларда намоён бўлмоқда. Натижада турли хил кўринишдаги этник зиддиятлар келиб чиқмоқда. Энг муҳими, бу зиддиятлар асосан ташқи куч таъсири остида янада кескин тус олмоқда. Бунга бугунги кунда Яқин Шарқ минтақасидаги қатор давлатларда, шунингдек, Афғонистон ва Ироқда давом этаётган миллатлараро можароларни мисол қилиб келтириш мумкин.

2 Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси. Т., 2012. №9/1 (1497) – сон.

3 Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари: Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация. -Т.: ДЖҚА, 2009. – Б.228.

Ҳарбий-сиёсий беқарорлик ўчоғи ва қуролли тўқнашувлар майдонига айланган Яқин Шарқ минтақасида этник можаролар ташқи кучлар таъсири натижасида шу даражада бир-бирига қўшилиб ёки бир-бирига боғлиқ бўлиб кетганки, бу нафақат ушбу ҳудудга балки, минтақа атрофида жойлашган ҳудудларга, хусусан, Марказий Осиё минтақасига ҳам хавф-хатар ва таҳдидлар манбаи ҳисобланади.

Мазкур муаммоларни минтақамиз ва мамлакатимиз хавфсизлигига таъсири борасида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов шундай деб таъкидлаганди: “Бугунги кунда дунёнинг турли минтақа ва ҳудудларида авж олаётган қарама-қаршилик, жумладан, Яқин Шарқда, Ироқ ва Сурия мамлакатларида бўлаётган қонли тўқнашувлар, мусулмон дунёсидаги турли мазҳаб ва оқимлар ўртасида кучайиб бораётган ўзаро низо ва зиддиятлар, бегуноҳ одамларнинг қурбон бўлаётгани барчамизни ташвиш ва хавотирга солмасдан қўймайди”⁴.

Албатта, ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муайян хусусият касб этиб, унинг ўзига хос жиҳатлари, таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари мавжуд. Шу жумладан, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашда минтақа давлатлари атрофидаги вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш, уларда кечаётган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий ўзгаришларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ўта муҳим вазифалардан биридир⁵.

Маълумки, Афғон можароси узоқ вақт давомида минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, миллатлараро этник зиддиятларнинг қайноқ ўчоғига айланган. Бугунги кунда Афғонистонда ислом динининг сиёсийлашуви ва ниҳоятда радикал шаклга кириши⁶ унинг этник тус олган конфликтдан, диний йўсинда ривожланаётган можаро эканлигидан ҳам далолат бермоқда. Бу эса, муаммони янада чигаллаштириб, унинг ечимини яна бир неча ўн йилликларга ортга сурмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов Афғонистондаги вазиятга баҳо берар экан: “Бугун Афғонистонда юзага келаётган вазият сурункали беқарорлик хусусияти ва янада кескин тус олиш тенденциясига эга. ... Афғонистонда воқеаларнинг бу тарзда ривожланиши мамлакатда ички сиёсий вазиятни бутунлай издан чиқариши, миллий хавфсизликка ва қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш истиқболларига реал хавф солиши, музокаралар жараёнида муросага эришиш, ўзаро курашаётган барча томонлар ва Афғонистондаги миллий-диний гуруҳлар вакилларида ташкил топиши мумкин бўлган коалицион

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2014 йил 31 августдаги “Шахидлар хотираси”га ташрифидаги нуткидан. Аждодлар хотираси муқаддас // <http://uza.uz/uz/politics/azhddlar-khotirasi-mu-addas>

⁵ Саидолимов С.Т. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муаммолари: Сиёсий фанлар доктори илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация. -Т.: ДЖҚА, 2009. –Б 136.

⁶ Звягельская И. Становление государств Центральной Азии. Политические процессы. –Москва, 2009. – С. 16.

хукуматни шакллантиришга ҳалақит бериши мумкин. ...Оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган бундай шароитда айрим сиёсий кучлар ва уларни қўллаб-қувватлайдиган давлатларнинг Афғонистонда тартибсизликни юзага келтириш ва вазиятни янада чигаллаштиришга уринишларини инкор этиб бўлмайди”⁷, деб қайд этади.

Афғон муаммосини ҳал қилишда, уни фақат тинч йўл билан, сиёсий воситалар орқали амалга ошириш, мамлакатдаги этник қарама-қарши томонлар манфаатларини уйғунлаштириш ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кўтариш каби масалалар мустақилликнинг илк даврларидан бошлаб Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор вазифалари сифатида белгилаб олинди. Ушбу давр мобайнида Афғонистондаги бир-бирига қарама-қарши кучлар ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, томонларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш, барча томонларнинг мафээтини ҳисобга олган ҳолда, Афғон халқи олдида турган ўта оғир ва мураккаб муаммоларни ҳал этишга қодир коалицион ҳукуматни шакллантириш каби Ўзбекистоннинг қатъий ташқи сиёсий позицияси турли халқаро ва минтақавий ташкилотлар минбаридан туриб бир неча бор аниқ ва равшан баён этилди.

Хусусан, 2008 йили Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган НАТОнинг навбатдаги Саммитида Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти томонидан БМТ раҳбарлигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси эълон қилинди. Бу ташаббуснинг моҳияти, аввало, БМТ шафелигида АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита қўшни бўлган 6 та мамлакат иштирокида ушбу муаммони тинч йўллар билан ҳал этиш механизмларини ишлаб чиқиш ва халқаро ҳамжамиятга тақдим этишдан иборат эди. Энг асосийси, афғон можаросини ҳарбий йўллар билан, яъни куч ишлатиш ва зўравонлик билан ҳал этиб бўлмаслиги очиқ ойдин баён этилди.

Афғонистондаги ҳозирги кундаги кескин вазият Ўзбекистон Биринчи Президенти томонидан билдирилган бу каби амалий конструктив таклифлар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотманини кўрсатмоқда. Ақсинча, у янада ўткир аҳамият касб этиб бормоқда. Зеро, бугунги реал сиёсий воқелик бу мамлакатда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқаётгани, миллатлараро низолар, терроризм ва диний экстремизм, ноқонуний қурол савдоси ва наркотрафик каби таҳдидлар кучайиб бораётганидан далолат бермоқда.

Албатта, бундай жиддий вазифалар ичида Афғонистоннинг ички ишлари аралашмаслик, унга қарши қаратилган ҳарбий-сиёсий блоklarга қатнашмаслик, бу давлат билан алоқаларимизни икки томонлама асосда ташкил этиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ташқи сиёсатимизнинг муҳим тамойилларини ташкил этади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 13.09.2014.

Ҳозирги замон тенденциялари шуни яққол исботламоқдаки, “миллий харита”ни ўз сиёсий ва бошқа мақсадлари йўлида қўллайдиган айрим сиёсий кучлар биринчи навбатда, инсонларнинг юқори мобилизациялаштирувчи эмоционал хиссиётларига таъсир этиш орқали уларни ҳар қандай сиёсий босиқлик ва теранг фикрдан ҳоли бўлган урушқоқ бир агрессив оқимга айлантиришга уринади.

Халқаро майдондаги турли сиёсий кучларнинг миллий ва стратегик режаларига эришиш учун “эркинлик ва демократияни олға силжитиш” ниқоби остида амалга оширилаётган, узоқни кўзлаган сиёсатнинг асл моҳияти ва мақсадларини ўз вақтида англаш муҳим аҳамият касб этади. Шу борада айрим қудратли давлатлар томонидан муайян мамлакатларга, авваламбор, ер ости, ер усти бойликларига эга бўлган ҳудудларга нисбатан олиб борилаётган ана шундай ғаразли сиёсатни дунёнинг айрим минтақаларида тинч ҳаётнинг изидан чиқиши, ҳокимият тепасига айнан ўша давлатларнинг манфаатларига хизмат қиладиган кучларнинг келиши билан боғлиқ мисолларда кўриш қийин эмас.

“Кейинги вақтда Украина, Грузия ва Қирғизистон давлатларида бошқарувдаги бошбошдоқлик, таҳдидларни таҳлил этиш ва уларнинг олдини олиш масалаларига эътиборсизлик, айрим етакчи давлатларнинг аралашуви туфайли мураккаб вазият вужудга келди. Ғарб давлатларининг “беғараз ёрдам”и билан “рангли инқилоб”лар содир этилди. Бу давлатлардаги “демократия тантанаси” оқибатида содир этилган ҳукумат алмашинуви жамиятдаги зиддиятларнинг янада кескинлашуви, аҳоли норозилигининг кучайишига олиб келди. Янада таҳдидли вазият сақланиб қолаётгани боис, улар “муаммоли давлатлар” деб номланаётганлар сафидан ўрин олиши эҳтимолдан ҳоли эмас”⁹ деб, таъкидлайди сиёсатшунос олим Ш.Пахрутдинов.

Баъзи бир етакчи давлатларнинг таъсирига тушиб, жамиятда ва минтақада миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқармаслик учун, энг аввало, миллий давлатдаги кўп сонли миллатларнинг ўзаро бирдамлиги ва тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, миллатларнинг қадрият ва анъаналарига ўзаро ҳурмат билан қараш принципларини ҳаётга кенг тадбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, минтақа доирасида миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик тамойилларини давлатлараро алоқаларда мустаҳкам қарор топтириш ҳам долзарб вазифалардандир. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг илк йиллариданоқ олиб борилган миллий сиёсат, биринчи галда, турли миллат ва элатларнинг ҳаётий эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилди. Бундай сиёсат миллатлараро муносабатларда ўзаро ишонч ва ҳурмат каби туйғуларни

⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 116.

⁹ Пахрутдинов Ш.И. Барқарор тараққиёт ва раҳбар масъулияти. – Т.: Akademiya, 2011. – Б. 105.

мустаҳкамлаш, миллатлараро мулоқот маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди¹⁰.

“Бугунги кунда мамлакатимизда этник ўзига хослиги, тили, урф-одат ва аъналарини ҳар томонлама ривожлантириш ва ўзаро бойитиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлган миллат ва элат вакиллари ягона бўлиб, дўстлик ва иноқликда ҳаёт кечирмоқда. Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни анада равна топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш мақсадида барча соҳаларга кенг қўламли ўзгаришларни амалга ошириш йўлди улар ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. ... Шу маънода бизнинг энг катта бойлигимиз, энг асосийси ютуғимиз бу, аввало Ватанимиз осмонининг мусаффолиги, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролараро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитидир”¹¹

Миллатлараро тотувлик ғояси – умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ёки давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Дунёдаги барча давлатлар аҳолиси миллий таркибига кўра 2 гуруҳга бўлинади. Биринчиси моноэтник (аҳолиси асосан бир миллат вакилларида иборат) ва иккинчиси полиэтник (кўпмиллатли) давлатлардир.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибига кўра иккинчи гуруҳга, аҳолиси кўп миллатли давлатлар қаторига киради. Ҳозир Ўзбекистонда 136 та миллат ва элатларнинг вакиллари яшайди. Республикамиз аҳолисининг 80 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Ҳар бир миллатнинг умумий манфаатлари билан бирга ўз қадриятлари ҳам бор. Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатда турли миллат ва элатлар манфаатларини уйғунлаштириш, улар орасида тотувликни таъминлаш тараққиётнинг ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов: “Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни ривожлантириш учун барча ҳуқуқий асослар ва зарур шарт-шароитлар яратилди. Бағрикенглик маданиятини тарбиялаш ва янада мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди”¹², деб таъкидлаганди.

Масалан, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида: “Ўзбекистон халқининг миллатидан қатъий

¹⁰ Зоҳидов Х.Р. Миллатлараро тотувлик ва мулоқот маданияти. “Миллий истиқлол ғояси: миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни ўқувчи ва талаба ёшлар дунёқарабини шакллантиришдаги роли” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Самарканд, 2006 йил 26-27 май. – Б.54.

¹¹ Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир // Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш иштирокчиларига байрам табриги. Т.20. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

¹² Ўша манба.

назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”¹³; 4-моддасида эса: “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”¹⁴, деб муҳирлаб қўйилгани бунинг далилидир.

Кейинчалик, Республикамиз миллатлар ва элатлар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга доир халқаро битимларни амалга ошириш ва халқаро майдонда этник бирликларнинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига доир бир қатор халқаро тамойилларни қабул қилди ва уларни ҳаётга тадбиқ қилишда фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”, “Ирқий камситишнинг барча турларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро Конвенция”, “Геноцид жиноятларининг олдини олиш ва унга нисбатан жазолар тўғрисидаги Конвенция”, “Миллати, элати, дини ёки тили нуктаи назаридан кам сонли бўлган гуруҳга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация”ни ратификация қилди.

Давлатимиз раҳбари Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 10 йиллигига бағишланган тантанали мажлис қатнашчиларига йўллаган табригида мамлакатимизда қарор топган миллатлараро муносабатларнинг характериға тўхталиб, “..алоҳида ғурур ва ифтихор билан таъкидлаб ўтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз, бу – жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир”¹⁵, - деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлашда миллийлик ва умуминсонийликнинг энг яхши жиҳатларини ўзида мужассам этган маънавият, таълим, меҳр-мурувват каби қадриятлар синтезига асосланиб сиёсат олиб борган Ўзбекистон қисқа вақт ичида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни қарор топтира олди.

1991 йилда мамлакатимизда 12 та миллий-маданий марказ фаолият кўрсатган бўлса¹⁶, ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги 150 га яқин миллий маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Телерадиоканаллар орқали 10 та тилда кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда турли тилларда газеталар нашр этилмоқда. Шу билан бирга, юртимиз таълим муассасаларида 7 тилда ёшларга таълим-тарбия берилмоқда.

“Ижтимоий фикр” маркази томонидан олиб борилган социологик тадқиқотларга қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда турли миллат вакиллариини миллатлараро тотувликни ўрнатишда мамлакатимизда тўғри сиёсат олиб

¹³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2015.

¹⁴ Ўша манба.

¹⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. Т.10, Т.: “Ўзбекистон”, 2002. – Б. 181.

¹⁶ Иващенко С.В. В интересах межнационального согласия и сотрудничества // Единство-Бирлик. – Т., 1997. – Б. 18.

борилаётганини тасдиқлашларини кўриш мумкин. Жумладан, ўзбек жамиятида миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик асосларини сўровда иштирок этганларнинг 52,6 фоизи Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг миллий сиёсати, 26,7 фоизи ўзбек халқининг бағрикенглиги ва уларнинг юксак кадриятларга эгаллиги, 24,9 фоизи давлатнинг оддий инсонларга бўлган ғамхўрлиги, 23,1 фоизи ўзбек халқининг бошқа миллат ва халқларга нисбатан дўстоналиги, 13,6 фоизи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳадаги барқарорлик, 12,9 фоизи Ўзбекистонда мусулмонларнинг бошқа динларга нисбатан яхши муносабатда бўлиши, 7,8 фоизи мамлакатда туб аҳоли бўлмаган миллатнинг тўғри фуқаролик позицияси сифатида баҳоламоқда¹⁷.

Ўзбекистон фуқароларининг бу масалага муносабати барча йиллардаги олиб борилган тадқиқотларда ҳам юқори даражада ва барқарор эканлигини кўришимиз мумкин. Фуқароларининг яримидан кўпи Ўзбекистон Республикасини “менинг севимли Ватаним” деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни ривожлантириш, миллатлараро бағрикенглик ва толерантлик тамойилларини мустаҳкамлашда диний ташкилотлар ва конфессионал жамиятлар фаолияти ҳам катта ўрин тутади. Ўзбекистонда бугунги кунда 15 та диний конфессияларнинг 2069 та диний ташкилотлари рўйхатдан ўтган. Солиштириш учун айтганда, 1989 йили улар сони 89 тани ташкил этган. Бу эса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланиб, халқнинг ўз давлатига нисбатан юксак ҳурмат ва эҳтироми, садоқати ва ватанпарварлиги юқори даражада эканлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, унда минтақадаги бешта давлатда яшовчи халқларнинг миллат вакиллари яшайди. Шунингдек, “Бугун бир миллиондан ортиқ ўзбеклар Тожикистонда, ундан кўпроқ тожиклар Ўзбекистонда, Тожикистоннинг Жирғатол туманида кўплаб қирғизлар ва Қирғизстоннинг Ўш вилоятида ўзбеклардан ташқари тожиклар ҳам яшашади. Улар ўртасида тенгликнинг бузулиши охир оқибат минтақада салбий ҳолатларни келиб чиқишига ҳамда миллий муҳитда турли кўринишдаги конфликтларнинг юзага келишига сабаб бўлиши табиийдир¹⁸.

Шу боис, Ўзбекистон ҳукумати минтақада “бир халқни бошқасига қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисида афсоналарни тарқатиш йўлидаги уринишлар”га қарши курашиб келмоқда¹⁹. Шунингдек, Ўзбекистон минтақада, қолаверса минтақа атрофида ҳар қандай муаммони, хусусан этник ва диний зиддиятларни тинч, сиёсий йўллар билан, минтақа давлатларининг ўзаро ҳамжиҳатлигида ҳал қилиш тарафдори ва бу борада

17 Манба: Убайдуллаева Р.А. Общественное мнение — важнейший фактор состояния межнациональных отношений http://www.icc.uz/rus/article/obs_mn_vaj/

18 Салимов Я. Таджикистан: уния мира или тонна победы? «Независимая газета». 28.03.2001.

19 Каримов И.А. Ўзбекистон XXIасрга интилоқда: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: - Ўзбекистон, 1997. 78-бет

фаол ташқи сиёсат олиб боради. Минтақа аҳолисининг тенг ярмини Ўзбекистоннинг ҳиссасига тўғри келишини ҳисобга олсак, Марказий Осиёнинг марказида жойлашган Ўзбекистон учун минтақадаги этносиёсий масалалар ҳар жиҳатдан долзарб аҳамият касб этиб, мамлакат миллий хавфсизлигининг ажралмас қисми ҳамда минтақавий хавфсизликнинг асоси ҳисобланади.

“Биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар биринчи навбатда, кўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Энг муҳими, ҳеч қандай ҳарбий блокада кўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий хизматчиларимизни мамлакатимиз ташқарида бўлишига йўл қўймаймиз”²⁰, деб алоҳида қайд этади давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, хавфсизлик борасидаги мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ушбу концептуал қараш ва принципиал позициялари 2012 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ўз аксини топгани унинг тинчликпарвар сиёсат олиб борувчи давлат эканидан далолат беради.

Марказий Осиё асрлар мобайнида ғоят хилма-хил цивилизациялар, дин ва маданиятлар маркази бўлиб келган. Ушбу минтақа халқлари учун этник сабр-тоқат ва бағрикенглик тамойиллари ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрга айланган. Ўзбекистон Республикаси ушбу минг йиллик анъана ва кадриятларга содиқ қолган ҳолда, ўз ҳаётий муҳим манфаатлари ва барқарор тараққиётини ушбу минтақа тақдири билан чамбарчас боғлиқликда кўради. Шу боис, яқин кўшнилари билан муносабатларда очик, дўстона ва прагматик сиёсат юритиш тарафдори бўлиб қолади”²¹.

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳозирги даврда этник муносабатлар ҳар бир минтақа, хусусан Евроосиёнинг муҳим стратегик ҳудудида жойлашган Марказий Осиё давлатларининг барқарор тараққиёти ва хавфсизлигини таъминлашда ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Минтақа давлатлари ўртасида этносиёсий муносабатларни тўғри йўлга қўйилиши, бу борада улар орасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамланиши минтақанинг истиқболдаги тараққиёти ва ривожини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан биридир.

Шу боис, минтақа давлатлари ўртасида этносиёсий муносабатларни янада ривожлантиришга аҳамият қаратиш, миллий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар

²⁰ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – Б. 65.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Олий Мажлис палаталарининг Ахборотномаси. -Т., 2012. №9/1 (1497) – сон.

яратиш кун тартибидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада бир-бирига ўзаро ишонч ва ҳурмат, меҳр-оқибат каби инсонийлик тамойилларини давлатлараро муносабатларда кенг жорий этилиши кутилган амалий натижалар кафолатидир.